

## ЗНАЧЕНИЕ ОБЯЗАННОСТЕЙ, ВОЗЛАГАЕМЫХ НА ПОДКОНТРОЛЬНЫХ ЛИЦ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИСПОЛНЕНИЯ НАКАЗАНИЙ, НЕ СВЯЗАННЫХ С ЛИШЕНИЕМ СВОБОДЫ, И ПУТИ ЕЕ УЛУЧШЕНИЯ

Умаралиева Дилшодахон Набижоновна

ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар профилактикаси  
фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются реформы, проводимые в сфере юстиции в последние годы в нашей республике, проводимая работа по совершенствованию уголовно-исполнительной системы наказаний и некоторые текущие проблемы, правовой статус лиц, находящихся под контролем при исполнении наказаний, не связанных с лишением свободы, возложенные на них обязанности, их важность в исполнение наказаний, проблемы и анализы, связанные с предоставлением, контроль над исполнением наказаний, не связанных с лишением свободы, возложенные на них обязанности законом, их важность в исполнение наказания, проблемы и анализ, связанные с обеспечением обязанностей, предложения по решению проблем.

**Ключевые слова:** наказание, не связанное с лишением свободы, исполнение наказания, цель наказания, пребывание, исправительные работы, подконтрольное лицо, ограничение свободы, обязательные общественные работы

## THE IMPORTANCE OF THE RESPONSIBILITIES ASSIGNED ON PERSONS UNDER CONTROL IN THE ACTIVITY OF EXECUTION OF PUNISHMENTS NOT RELATED TO IMPROVEMENT OF LIBERTY AND WAYS TO IMPROVE IT

**Annotation.** This article examines the reforms carried out in the field of justice in recent years in our republic, the ongoing work to improve the penal enforcement system of punishments and some current problems, the legal status of persons under control in the execution of non-custodial sentences, the duties assigned to them, their importance in the execution of punishment, problems and analyses related to the provision, control over the execution of non-custodial sentences, the duties assigned to them by law, their importance in the execution of punishment, problems and analysis related to the provision of responsibilities, suggestions for solving problems.

**Keywords:** non-custodial punishment, execution of punishment, purpose of punishment, probation, correctional labor, controlled person, restriction of freedom, compulsory community service.

Республикамида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашни самарали олиб борилишини ташкил этиш мақсадида, сўнгти йилларда бир қатор ислоҳотлар олиб борилиб, шу билан бирга жиноят-ижроия тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва уни халқаро стандартларга мослаштиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида, уларни аҳлоқан тузатиш бўйича тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли қонунчилик ва меъёрий-хуқуқий база шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштирилиб келинмоқда.

Жумладан, бир қатор норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниши, ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга хукм этилган шахсларни назорат қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштиришига сабаб бўлди [1].

Пробация фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солинишини ташкил этиш мақсадида, пробация назоратидаги шахсларга ўрнатиладиган чекловлар доирасини, чекловларга риоя этишини таъминлаш ва назорат қилишининг механизмларини аниқ белгилаш ҳамда илғор хорижий тажриба асосида, 2024 йилнинг 7 август куни Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Кўриб турганимиздек, ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар натижасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда, лекин хали хануз ўз ечимини кутаётган муҳим масалалар ҳам мавжуд.

Жумладан, пробация назорати остидаги шахсларнинг мажбуриятлари масаласи муҳим ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 8-моддаси (Маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати асослари)га алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ушбу соҳада тадқиқот олиб борган олимларнинг фикрича;

**Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати** - бу жазони ижро этишда вужудга келадиган жазонинг тури, мақсади ва маҳкумнинг ҳулқи билан боғлиқ бўлган асосий фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан иборат бўлиб, маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг белгиланиши сиёсий ва аҳлоқий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати сиёсий жиҳатдан жамият ва давлатнинг маҳкумга бўлган муносабатини англатади. Чунончи, маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати жамиятнинг ижтимоий иқтисодий тузумига боғлиқ бўлган жазонинг мақсади билан белгиланади. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг қонун даражасида белгиланишининг амалий аҳамияти жазонинг мақсадини амалга оширишнинг усул ва воситаларини англатади. Шунинг учун ҳам маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатларининг сиёсий ва амалий аҳамияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Жазони ўтаётган маҳкумлар уларнинг жазоси қандай бўлмасин ўз мажбуриятларини бажарадилар, қонунда белгиланган доирада суд ҳукмида белгиланган тартиб билан боғлиқ бўлган ҳолатларда белгиланадиган ҳуқуқлардан фойдалана оладилар. Бунинг мазмуни шундаки, жазонинг тури ва

мазмунидан келиб чиқсан ҳолда маҳкум асосий хуқуқ ва мажбуриятларидан ҳамда жамият аъзолигидан маҳрум этилмайди. Уларда хуқуқ лаёқати, муомала лаёқати ва фуқаролик хуқуқий муносабатларининг субъекти бўлиб қолиш хуқуки сақланиб қолинади. Аммо маҳкумлар хуқуқий ҳолати бошқа фуқароларнинг хуқуқий ҳолатидан фарқ қиласди [4].

Маҳкумларнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади [5].

Маҳкумларнинг хуқуқий ҳолатини қонун даражасида белгилаб олиниши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, маҳкумнинг хуқуқий ҳолати мисолида биз маҳкумнинг мажбуриятларига алоҳида тўхталмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг “Маҳкумлар: жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этишга, жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларини бажаришга мажбурдирлар. Маҳкумларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажармаслиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади”-деб белгиланган [6].

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг жазолар ижроси юзасидан шахсга юклатиладиган мажбуриятлар таҳлил қилинганда, уларнинг барчасида турли хил мажбуриятлар мавжуд эканлиги маълум бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 май кунидаги “Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этиш тартиби ҳақидаги низомни ҳамда мажбурий жамоат ишлари турларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 346-сонли Қарорида, мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг ижросини ташкил этишда, жазо тайинланган шахсга, суднинг ҳукми қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб **ўн кун ичida яшаш жойидаги пробация бўлимига бориб** ҳисобга туриш мажбурияти юклатилган бўлиб, ушбу мажбуриятни бажармаслик, шахснинг мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазони ўташдан бўйин товлаётган деб ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Лекин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексида ҳам “Пробация тўғрисида”ги Қонун моддаларида ҳам озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган шахсга нисбатан “суднинг ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин жазо тайинланган шахснинг белгиланган муддатда пробация бўлимига рўйхатдан ўтиш учун бориш” мажбурияти юклатилмаган.

Шунингдек, “Пробация тўғрисида”ги Қонунга кўра, пробация хизматларининг мажбуриятларидан бири сифатида, “пробация назоратидаги шахсларга уларнинг хулқ-атвори устидан назоратнинг амалга оширилиш тартибини, суд томонидан белгиланган тақиқларга (чекловларга) ва мажбуриятларга риоя этилиши шартларини, шунингдек мазкур тақиқларни (чекловларни) бузган ёки ушбу мажбуриятларни бажармаган тақдирда юзага келиши мумкин бўлган хуқуқий оқибатларни тушунтириши” белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг амалдаги тегишли буйруқ талаблари асосида эса, пробация хизмати озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари бўйича ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга

олиши ва ушбу турдаги суд ҳукмлари (ажримлари) ижрога келган қундан бошлаб **10 кунлик муддатдан** кечикмасдан ижро қилинади”-деб белгиланган [8].

Бу каби мажбуриятлардан бири сифатида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 27-моддаси асосида, “пробация хизмати маҳкумга жазони ўташнинг тартиби ва шартларини тушунтиради, маҳкумни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирларни ўтказади, зарур материалларни тайёрлайди ва тегишли хизматга оширади”-деб белгиланганлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Аксарият ҳолларда жиноят ишлари бўйича ҳукмлар тергов хужжатлари асосида шахснинг доимий яшаш жойидан рўйхатдан ўтганлиги асосида расмийлаштирилиши, ҳукм ҳам шу асосда доимий яшаш жойи бўйича ижрога чиқарилиши, шахс эса жиноят содир этилганидан кейин тергов ва суд жараёнлари давомида яшаш жойини ўзгартириши оқибатида, пробация ходимлари томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахсни қидириши, агар жазо тайинланган шахс ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин ўзи пробация бўлимига келмаса, унга жазо ўташ тартиби ва қоидаларини тушунтириш учун пробация ходими унинг яшаш манзилиги бориб чақиртириши, борган вақтида уйда бўлмаган ҳолларда эса, профилактика инспекторига мажбурий тарзда келтириш тўғрисидаги карор чиқариш орқали мажбурий тарзда келтирилиши ва жазо ўташ тартиби тушунтирилишини тақазо этади.

Агар, жазо тайинланган шахс жазони ўташдан қасдан бўйин товламасада, лекин яшаш жойини ўзгартириб юриши, ходимнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси моддасида кўрсатилган “маҳкумга жазони ўташнинг тартиби ва шартларини тушунтиради”-деган мажбуриятини бажаришга тўсқинлик қиласи ва ҳукм ижросини кечикирилишига олиб келиши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган шахсга нисбатан, ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин, *Пробация бўлимига рўйхатдан ўтиши учун бории мажбуриятининг Қонунда ва Жиноят ижроия кодексининг тегишли моддасида умумий мажбуриятлардан бири сифатида белгиланмаганлиги* бир қанча муаммоларни юзага келтирмоқда.

**Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки,** Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айrim тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонуни таъсирига тушувчи шахслар, агар улар жазони ўташ даврида белгиланган тартибда сақлаш режимини қасдан бузувчилар деб топилган бўлса, - уларни озод этишдан камида **бир ой олдин** жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи тақдимномаси билан маъмурий назорат ўрнатилиши белгиланган. Қонуннинг жазони ижро этиши муассасасидан озод қилинганидан кейин, шунингдек яшаш жойи ўзгарганидан сўнг ўзи танлаган яшаш жойига етиб келган қундан эътиборан уч қун ичида ҳисобга қўйилиши учун маъмурий назоратни амалга оширувчи ички ишлар организа келиш” мажбурияти кўрсатиб қўйилган. Ушбу мажбуриятнинг белгиланганлиги эса, агар маъмурий назорат ўрнатилган шахс ушбу

мажбуриятнинг бажарилишини таъминламаган ҳолларда “Маъмурий назорат қоидаларини бузиш” сифатида баҳоланишига имкон беради.

Фикримизча, шахс содир этган жинояти учун тайинланган жазони ўтаб бўлганидан кейин ҳам у томонидан салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида, қонун асосида қўшимча мажбуриятлар юклатилаётган бир вақтда, содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўташ билан боғлиқ бўлган, шахснинг хукм қонуний кучга кирганидан кейин пробация бўлимига рўйхатдан ўтиш мажбуриятининг юклатилиши зарурӣ ҳолатдир.

Бу бўйича айрим хорижий давлатлар жинояят қонунчилигининг таҳлили, суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн календар кундан кечикмай пробация органларига хисобга қўйиш учун келиш мажбурияти мавжудлигини кўриш мумкин. Жумладан, Қирғизистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси 61-модда. Озодликни чеклаш жазосида жазо ўташ тартиби тўғрисидаги моддасида, - маҳкум суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн календар кундан кечикмай жазони ўташ учун пробация органларига келишлари шартлиги белгиланганлиги [9]; Қозоғистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ти қонун 15-моддасида, - суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн календар кундан кечикмай пробация органларига хисобга қўйиш учун келиш мажбурияти юклатилганлигини [10]; **Литва Республикаси Жиноят-ижроия кодекси**, 4-қисм, 9-боб, 1-бўлим - Озодликни чеклаш жазосини ижро этиш тартиби ва шартларидан бири сифатида, 3 иш куни давомида пробация хизматига келиш мажбурияти юклатилганлигини кўриш мумкин [11].

А.Сайдов, ўз диссертациясида “Жиноят-ижроия сиёсати” тушунчасига алоҳида тўхталиб, қуйидагича таърифи берган: “Жиноят-ижроия сиёсати - бу давлатнинг жазони ижро этиш соҳасидаги фаолияти мақсадлари, принциплари, стратегияси, асосий йўналишларини ҳамда жазони ўташнинг асосий шакл ва усувларини белгилаб беради”. Ўзга сўзлар билан айтганда, жиноят-ижроия сиёсати жиноятчиликка ўта жиддий таъсир қўрсатувчи ва уни жиловловчи воситага айланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия сиёсатининг асосий вазифаларига жиноий жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни аҳлоқан тузатиш, жиноят содир этилишининг олдини олиш ва маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш киради [12].

Ҳақиқатдан ҳам “Жиноят-ижроия сиёсати”ни олиб бориш, жиноий жазоларни ижросини таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, жазони ижросини таъминланиши, жазо ўташнинг шакл ва усувлари орқали жазо муқаррарлигини таъминлаб, шахс томонидан келгусида жиноят содир этилишини олди олиниши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари жиноий жазо ижроси билан боғлиқ мажбуриятларга М.Хайдаров томонидан эътибор қаратиб, Р.В. Комбаров ва Е.В. Колбасоваларнинг фикрларига алоҳида тўхталиб, озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахснинг зиммасига юклатиладиган мажбуриятларни қуйидаги икки гурухга бўлишни,

– жиноят қонунида белгиланган жазонинг мазмунини ташкил қилувчи ва суднинг

хукмiga асосан маҳкумга юклатилган мажбуриятлар;

– жиноят-ижроия қонунчилигига белгиланган жазони ўташ тартиби ва шартларидан ҳамда маҳкумга тайинланган тақиқ (чеклаш)ларнинг мазмунидан келиб чиқувчи мажбуриятларга бўлишни таклиф қилган [13].

Шунингдек, жазони ўташ билан боғлиқ мажбуриятлари доирасини аниқ белгилаш мақсадида, Жиноят ижроия кодексини янги, “маҳкумларнинг мажбуриятлари”-деб номланувчи 44<sup>5</sup>-модда билан тўлдириш ва унга озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахсга бир қатор мажбуриятлар юклатилиб, улардан биринчиси “суднинг ҳукми (ажрими) қонуний кучга кирганидан сўнг уч сутка ичида пробация бўлинмаларида хисобга туриши” мажбурияти эканлигини таъкидлаган.

Юкорида асослантирилган муаммоларни бартараф этиш масаласига, назаримизда қўйидагича ёндашиш мақсадга мувофиқ.

Суд томонидан тайинланган жиноят жазони ижро қилишдаги шахсга юклатилган мажбуриятларни умумий ва маҳсус мажбуриятларга бўлиш лозим. Улар

**Умумий мажбуриятлар** - жазонинг туридан қатъий назар жиноят-ижроия қонунчилигига белгиланган жазони ўташ тартиби ва шартларидан иборат мажбуриятлар. Ушбу мажбуриятлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг “Маҳкумлар: жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этишга, жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларини бажаришга мажбурдирлар. Маҳкумларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажармаслиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади”-деб белгиланган [14].

**Маҳсус мажбуриятлар** - жазонинг мазмунини ташкил қилувчи, жазони ўташ шартлари билан боғлиқ мажбуриятлар яъни ҳар бир жазо тури бўйича белгиланган алоҳида мажбуриятлардир. (аҳлоқ тузатиш ишларида ойлик иш хаққидан ушлаб қолиниши, озодликни чеклашда, куннинг белгиланган вақтларида яшаш манзилини тарк этмаслиги, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосида белгиланган вақтда таъкиқланган фаолият тури билан шуғулланмаслик кабилар);

Бизнингча эса, шахсга ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн календар кунидан кечиктирмай ҳукм ижроси юклатилган Пробация бўлимига рўйхатдан ўтиш учун бориш мажбурияти, жиноят-ижроия қонунчилигига белгиланган жазони ўташ тартиби ва шартларидан келиб чиқувчи умумий мажбуриятлар сирасига киради.

Фикримизча, Жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган шахснинг, ушбу ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб, **ўн календар кунидан кечиктирмай** ҳукм ижроси юклатилган Пробация бўлимига рўйхатдан ўтиш учун бориш мажбуриятининг юклатилиши, айнан жазонинг муқаррарларини таъминлашга ҳамда шахснинг жиноят фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадига эришишга имкон беради. Чунки ушбу мажбуриятнинг юклатилиши, унга мажбуриятини бажармаганлик оқибатлари ҳақида огоҳлантирилганлиги ҳамда ушбу ҳолатга ҳуқукий баҳо берилиши орқали жазонинг мақсадига эришишга кўмаклашиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021

йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонида алоҳида вазифа қилиб белгилаб берилганидек, пробация назоратидаги шахсларга ўрнатиладиган чекловлар доирасини аниқ белгилаш, чекловларга риоя этишни таъминлаш ва назорат қилишга хизмат қиласди.

Шунингдек, ҳукмнинг белгиланган вақтда ижрога қаратилиши, жазо тайинланган шахснинг жазодан бўйин товлашини олдини олиш ва пробация ходимлари томонидан ушбу ҳукм ижросини таъминлашга тўсқинлик қилувчи бир нечта омилларни олдини олишга, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган шахсга нисбатан қидирав эълон қилиниши ва тайинланган жазонинг оғирроғига алмаштирилишини олдини олишга хизмат қилиши билан бирга, турлича талқин қилинадиган ёки коррупциянинг юзага келишига йўл қўядиган ёхуд уларни қўллаш бўйича тушунтириш талаб этувчи нормалардан воз кечиш, шунингдек, қонун нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш амалиётини амалга оширишга ҳамда жиноят ижроия сиёсатини самарали амалга оширишга кўмаклашади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, пробация назорати остидаги шахсларнинг жазони ўташ доирасидаги мажбуриятларини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз ва қуидаги таклифларни берамиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг “Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган шахсларнинг асосий мажбуриятлари”- деб номланувчи 13<sup>1</sup>-моддасини қуидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

**13<sup>1</sup>-модда.** “Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган шахсларнинг асосий мажбуриятлари”

#### *Шахслар:*

*суднинг ҳукми (ажрими) қонуний кучга кирганидан сўнг ўн календар кунидан кечикмасдан ҳукм ижроси юклатилган жазони ижро этувчи муассасалар ёки органларда ҳисобга туриши;*

*жазони ўташ тартибига риоя этишига;*

*жазони ижро этувчи муассасаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларини бажаришга масъулдорлар;*

*маҳкумнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажармаслиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.*

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексини 13.<sup>2</sup>-модда. “Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун жавобгарлик” билан тўлдириш. Белгиланган мажбуриятнинг бажармаганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликнинг мавжудлиги шахсни зиммасига юклатилган мажбуриятнинг бажарилишида мутлақо муҳим аҳамият касб этиб, жазо муқаррарлиги принципини таъминланишига хизмат қиласди.

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон (2018 йил 7 ноябрь)ли қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиб соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон (2021 йил 26 марта) фармони // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/21/6196/0240-сон (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. DP-6196 dated march 26, 2021 “On measures to raise the work of law enforcement agencies in the field of public security and the fight against crime to a new level in terms of quality” // National Database, 26.03.2021, No. 06/21/6196/0240).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон (2021 йил 29 ноябрь) фармони // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. DP-27 dated november 29, 2021 “On approval of the Concept of Public Security of the Republic of Uzbekistan and measures for its implementation” // National Database, 01.12.2021, No. 06/21/27/1116).

4. Рустамбоев М.Х. // Жиноят ижроия кодексига шархлар. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007 йил. 16-17 бет

5. Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Шодиев А.А., Жаббаров З.Қ., Усмонов Д.М., ва бошқалар.// Жиноят-ижроия хуқуқи: Дарслик / – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 25 б.

6. Ўзбекистон Республикаси ЖИК 13-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси ЖИК 13-модда.

8. 2017 йил 27 июль кунидаги “Муайян хукуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли хукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 157-сонли бўйруғи

9. Қирғизистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси 61-модда

10. Қозоғистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги қонун 15-моддаси

11. Кодекс исполнения наказаний Литовской Республики [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://e-seimas.lrs.lt/portal/legalAct/lt/TAD/TAIS.171368/asr> (дата обращения: 30.10.2021).

12. Сайдов А.А. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия сиёсатини янада либераллаштириш

13. Хайдаров М.М./Озодликни чеклаш жазосининг жиноят ва жиноят ижроия хуқуқий жихатлари. Юрид. фан. б-ча. фалса. док. (PhD) диссер. автореф. – Т., 2022. – 95 б

14. Ўзбекистон Республикаси ЖИК 13-модда.